

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САМАТОВА ДИЛРАБО ЮСУФОВНА**

**ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА  
ДАРСНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ  
МЕХАНИЗМЛАРИ**

**13.00.01- Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contentus of dissertation abstract of doctor of  
philosohy (PhD) on pedagogical sciences**

**Саматова Дилрабо Юсуфовна**

Технологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда дарсни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш механизмлари. . . . . 5

**Саматова Дилрабо Юсуфовна**

Механизмы формирования навыков анализа урока на основе технологического подхода у будущих учителей. . . . . 22

**Samatova Dilrabo Yusufovna**

Mechanisms for formation the skills of lesson analysis based on a technological approach.in future teachers . . . . . 34

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works . . . . . 34

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САМАТОВА ДИЛРАБО ЮСУФОВНА**

**ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА  
ДАРСНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ  
МЕХАНИЗМЛАРИ**

**13.00.01- Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Ped567 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Гулистон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ва "Ziynet" ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдукаримов Хабибулло**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Расмий ошпонентлар:**

**Ҳакимова Муҳаббат Файзиевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Джамшова Наргиза Нуритдиновна**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Ётақчи ташкилот:**

**Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузурдаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 14.12 кун соат 8.20 даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй Тел.: (99871) 276-79-11; факс (99871) 276-76-51; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz))


Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университети ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1444) рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй Тел.: (99871) 276-79-11; факс (99871) 276-76-51.

Диссертация автореферати 2021 йил "2" 14 да тарқатилди  
(2021 йил "2" декабр даги 56 рақамли реєстр баённомаси)

**Б.С.Абдуллаева**  
илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, пед.ф.д., профессор

**Р.Г.Исянов**  
илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, пед.ф.н., доцент

**Н.А.Муслимов**  
илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, пед.ф.д., профессор



## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳон таълим тизимида технологик ёндашувга асосланган инновацион-креатив муҳитни қарор топтириш, бўлажак ўқитувчиларда аналитик ва прогностик компетентликни ривожлантириш, рефлексив ёндашув асосида дарсларни таҳлил қилиш малакаларини шакллантиришнинг технологиялари таълим жараёнига татбиқ этилган. Бўлажак ўқитувчиларда интерфаол машғулотларни ташкил этиш, махсус-методик компетентликни ривожлантириш, педагогика олий таълим муассасалари талабаларида ўқув материалларини структуралаштириш, ўқитиш жараёнини лойиҳалашга тайёрлаш, ўқитиш жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш механизминини такомиллаштириш, бўлажак ўқитувчиларда мустақил малакаларини ривожлантириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳонда технологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик фаолиятини такомиллаштириш, интерфаол ўқитиш технологияларини дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда қўллаш жараёнларини интенсив лойиҳалашга доир илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бўлажак ўқитувчиларни дарс жараёнини лойиҳалаш ва режалаштиришга тайёрлаш, ахборот-таҳлилий компетенциясини ривожлантириш, технологик ёндашувнинг дидактик имкониятларини кенгайтириш, бўлажак ўқитувчиларда дарсни таҳлил этиш малакаларини ривожлантириш бўйича ҳам илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда олий таълим сифатини ошириш, бўлажак ўқитувчиларнинг дарсларини таҳлил қилиш, касбий-педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш, кредит-модул тизимини ўқитиш жараёнига жорий этиш модели ва механизмларини ишлаб чиқишнинг меъёрий асослари яратилмоқда. “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш” каби вазифалар белгилаб берилди. Бу эса, технологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда дарсни таҳлил қилиш малакаларини шакллантиришнинг дидактик хусусиятларини аниқлаштириш жараёнига амалга оширишнинг ташкилий модели ва механизмларини такомиллаштириш шароитларини кенгайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги,

“Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, ушбу диссертация тадқиқоти мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамиз олимларидан Ҳ.Абдукаримов, Н.Азизхўжаева, А.Акрамов, У.Бегимкулов, Б.Джураева, А.Жумаев, Р.Жўраев, Б.Зиёмухаммедов, Х.Ибрагимов, Ш.Мардонов, Н.Муслимов, Б.Маъмуров, Ш.Олимов, М.Очилов, Р.Сафарова, Н.Саидахмедов, Ў.Толипов, А.Холиқов, М.Хақимова, О.Ҳайдарова, Ш.Шарипов, Т.Т.Шоймардонов, Ф.Р.Юзликаевларнинг илмий ишларида таълим-тарбия жараёнларига технологик ёндашувни татбиқ этишнинг концептуал асослари, бўлажак ўқитувчиларнинг дидактик тайёргарлигини такомиллаштириш, ўқитиш жараёнларини бошқаришнинг электрон-адаптив тизими тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан Ю.Бабанский, Б.Белухин, Е.Бондаревская, В.Давыдов, Е.Евдокимова, В.Иохидов, И.Исаев, Е.Крюкова, Т.Лаврикова, Б.Лихачев, С.Меркулова, В.Монахов, Р.Немов, И.Подласый, В.Сериков, В.Сластенин, А.Талызина, Г.Трофимовалар томонидан дарс таҳлилини амалга оширишнинг методик жиҳатлари, технологик ёндашув асосида ўқув жараёнларини оптималлаштириш ва интенсификациялаш, дарс жараёнида ўқувчиларнинг билишга қизиқишини шакллантиришнинг дидактик асослари ёритиб берилган.

Хорижлик олимлардан К.Allen, В.Fridman, Н.Vaert, S.Bellaza, S.Brown, D.Buff, Intan Sepia Latifалар тадқиқотларида бўлажак ўқитувчиларнинг аналитик компетентлигини ривожлантириш, рефлексив малакалари ва прогностик қобилиятларини ривожлантириш масалалари ўрганилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Гулистон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 574097-ЕРР-1-2016-1-СУ-ЕРРКА2-СВНЕ-JP (“RUECVET: Россия ва Ўзбекистон таълими ва касбий таълимнинг миллий тизими учун (ECVET) зачет бирлигини (кредитларни) кўчиришнинг Европа тизимини пилотлаштириш” мавзуси доирасида бажарилган (2018-2020 йй.)

**Тадқиқотнинг мақсади** технологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда дарсни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

бўлажак ўқитувчиларда дарсни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш жараёнининг педагогик имкониятларини аниқлаштириш;

бўлажак ўқитувчиларда таҳлилий компетенцияни шакллантиришдаги дидактик жиҳатларини кенгайтириш;

технологик ёндашув асосида дарсни таҳлил қилиш моделини такомиллаштириш;

бўлажак ўқитувчиларда дарсни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида технологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда дарсни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Қўқон ва Нукус давлат педагогика институтлари ҳамда Гулистон давлат университетининг 360 нафар респондент-талабалари жалб этилган.

**Тадқиқотнинг предмети** технологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда дарсни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида кўзланган мақсадларга эришиш ва қўйилган вазифалар ечимини топиш учун назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик тажриба-синов ва математик (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш) усулларидадан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бўлажак ўқитувчиларда дарсни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш жараёни босқичлари стандарт ва ностандарт дарсларнинг тузилишини дедуктив қиёслаган ҳолда ижодий фикрлаш қобилиятларни интенсив ривожлантиришга оид индуктив ва дедуктив усулларида қайта алоқаси тамойилларига кўра такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларни таҳлилий компетенциясини шакллантиришнинг дидактик имкониятлари ўқув мақсадлари таксономиясига асосланган креатив ва рефлексив ёндашувларни режалаштириш орқали дарснинг босқичларини лойиҳалаш, рефлексив маданиятни таркиб топтириш жараёнларига технологик ёндашув асосида такомиллаштирилган;

дарсни таҳлил қилиш моделининг амалий компоненти талабаларни илмий-методологик, дидактик, психологик, методик тайёргарлигини ривожлантиришга доир таълим технологияларини ўқув ва малакавий педагогик амалиёт жараёнлари, таълимий ижод муҳити ҳамда эвристик технологиялар, замонавий педагогик ёндашувларга ҳамда касбий фаолиятга тайёрлашнинг инновацион ахборот таълим муҳитини яратиш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларда дарсни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантиришнинг ташкилий-технологик мазмуни назорат учун ишлаб

чиқилган тест ва кейс-стадиларда компетент ёндашувнинг мотивацион мезонига устуңлик бериш орқали такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

“таҳлил”, “аналитик таҳлил”, “педагогик таҳлил” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти муаллифлик ёндашуви асосида педагогик жиҳатдан талқин қилинган;

бўлажак ўқитувчиларда дарсни таҳлил қилиш кўникмаларининг шаклланишини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари такомиллаштирилган;

“Технологик ёндашув асосида замонавий дарс таҳлили ва унинг методикаси” танлов фанининг ўқув-услубий таъминоти ривожлантирилган;

талабаларнинг узлуксиз педагогик амалиётга оид методик қўлланмалар ишлаб чиқилган;

технологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда дарсни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантиришга доир услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** билиш назарияси методологияси (билишнинг дидактик методи, ўқув фанлари, табиат ва жамият ҳодисаларининг таҳлил қилинишига инновацион-креатив ёндашув) ҳамда педагогик таълим соҳасидаги мамлакатимиз ва хорижий давлатлар олимлари, шунингдек, амалиётчи ўқитувчиларнинг ишларига асосланилганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги, таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор ва сифат жиҳатдан таъминланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илгари сурилган назарий хулосалар, тавсиялар олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифатини мазмунан бойитишга, фанларни ўқитиш жараёнини такомиллаштиришга, ўқитувчилик фаолиятига тайёрланаётган бакалавр ҳамда магистрларнинг касбий маҳоратини оширишга, маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантиришга, талабалар билим даражаларининг ривожланишига имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, илгари сурилган фикрлар ва инновацион ғоялардан олий таълим муассасаларида педагогик туркум фанларни ўқитишда, таълим-тарбия мазмунини бойитиш, ўқув режа, ўқув дастурлари, дарслик, ўқув-методик қўлланмалар яратиш, назарий ва амалий машғулотларни интерфаол методлар асосида ташкил этишда фойдаланиш ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда таълим сифатини такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Технологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда дарсни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш механизмлари юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

бўлажак ўқитувчиларда дарсни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш жараёни босқичлари стандарт ва ностандарт дарсларнинг тузилишини қиёслаш, дарс босқичларини структуравий таҳлил этиш, индуктив ва дедуктив усуллариининг қайта алоқаси натижавийлигини таъминлаш асосида



аниқлаштиришга оид таклифлар ИТД-1-165 рақамли “Таълим босқичларида бадиий асарларни шарҳлаш ва изоҳлаш йўли билан ўрганишнинг илмий-методик асосларини тадқиқ этиш” номли лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 9 февралдаги 89-03-766 сон маълумотномаси). Натижада бўлажак ўқитувчиларда дарсни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш жараёни педагогик имкониятларини аниқлаштириш самарадорлиги ошган;

технологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни таҳлилий компетенциясини шакллантиришнинг дидактик имкониятлари дарснинг мақсади ва кутиладиган натижасини аниқлаштириш, идентив ўқув мақсадларини белгилаш, дарснинг босқичларини лойиҳалаш, рефлексив маданиятни таркиб топтириш жараёнларини ҳисобга олиш асосида кенгайтиришга оид таклифлар 2018-2020 йилларда бажарилган ПЗ-2017927124 рақамли «Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 9 февралдаги 89-03-766 сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларда таҳлилий компетенцияни шакллантиришдаги дидактик жиҳатларини кенгайтириш имконияти яратилган;

технологик ёндашув асосида дарсни таҳлил қилиш моделининг амалий компоненти талабаларни илмий-методологик, дидактик, психологик, методик тайёргарлигини ривожлантиришга доир таълим технологияларини ўқув ва малакавий педагогик амалиёт жараёнларига тизимли қўллаш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар ИТД-1-165 рақамли “Таълим босқичларида бадиий асарларни шарҳлаш ва изоҳлаш йўли билан ўрганишнинг илмий-методик асосларини тадқиқ этиш” номли лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 9 февралдаги 89-03-766 сон маълумотномаси). Натижада, технологик ёндашув асосида дарсни таҳлил қилиш моделини такомиллаштириш имкони ошган;

бўлажак ўқитувчиларда дарсни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантиришнинг ташкилий-технологик механизмлари устоз-шогирд аъёнларига асосланган эдвайзерлик фаолиятини талабаларнинг индивидуал таълим траекториясини лойиҳалаш жараёнларига жорий этиш имкониятини кенгайтириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар таълим муассасаларида дарс сифати мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш жараёнида амалда фойдаланилган (Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2020 йил 25 июндаги 01-434-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларда дарсни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш имконияти оширилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, 137 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган ҳамда илмий-амалий аҳамияти, натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми масалалари ўз аксини топган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Технологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда дарсни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш назарий-методологик муаммо сифатида”** деб номланиб, унда технологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда дарсни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантиришнинг илмий асослари кўриб чиқилган. Технологик ёндашув бу – ўзлаштиришнинг асосий мақсади бўлмай, балки мустақил танлаш, мустақил билим эгаллаш, мустақил қарор қабул қилиш ва эркин фикрлаш кўникмасини шакллантиришнинг объектив заруратга айлантириш орқали талабада интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш талаблари кўриб ўтилган.

Маълумки, Я.А.Коменский томонидан 1632 йилда ёзилган “Буюк дидактика” асари бутун дунёда тўлиқ ўз эътирофини топган. Унинг ғоялари дунё мактабларида ҳозирга қадар қўлланиб келаётган бўлса-да, юқорида таъкидланганидек, учинчи минг йилликда илғор педагогик технологиялар татбиқи асосида талабанинг ақлий заковати, эркин фикрлаш ҳамда мустақил фаолият кўрсатишини таъминлаш давр эҳтиёжига айланди. Шиддат билан ривожланаётган бугунги кун талаблари, бўлажак ўқитувчиларнинг нафақат касбий, балки сиёсий, ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш, фаол фуқаролик позициясини мустаҳкамлашни тақозо этади.

Технологик ёндашувга асосланган таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва у асосида, қисқа фурсатда аниқ кафолатланган натижага эришиш бир қатор педагог олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари мавзуси сифатида ўрганилиб келинмоқда. Хусусан, Ҳ.Абдукаримов, Ж.Йўлдошев, Р.Ишмухамедов, М.Очилов, А.Холиқов, М.Ҳакимова, О.Ҳайдарова ва хорижлик олимлар: В.П.Беспалько, Б.Т.Лихачев, И.П.Подласийларнинг изланишларида педагогик технологияларни таълим-тарбия амалиётига татбиқ этишнинг моҳияти кўрсатиб берилган. Бевосита дарс таҳлили ва унинг

педагогик асослари Х.Абдукаримов, Қ.Йўлдошев, И.Мирзаев Ф.Муслимов ва Ш.Олимовлар томонидан ўрганилган. Е.В.Бондаревский технологик ёндашув жараёнини педагог маданиятини юксак намунасида кўради ва педагог фаолияти инсонпарварлик принципига асосланган бўлиши кераклигини эътироф этади. Бу ўз навбатида, талабаларнинг фаолияти профессор-ўқитувчиларнинг фаолияти билан уйғунлаштирилсагина, технологик ёндашув жараёнини ташкил этишда муваффақиятга эришилиши мумкин. Педагогиканинг яхлитлийлик тамойили асосида таълим-тарбияга ёндашиш ётади. Бу жараёнда ноанъанавий дарсларни ташкил этиш, унда педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш масофавий таълимни амалга ошириш ёки унда иштирок этиш (жумладан, видео конференциялар, видеосеминар, видео маслаҳатлар); илғор технологик тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш; муаммоли вазиятларни ташкил этиш ва ечимларини топиш; педагогик технологиялар татбиқини такомиллаштириб беришга оид кўлланмалар тайёрлаш, илмий-амалий анжуманлар ҳамда семинар-тренинглار ўтказиш кабиларни жорий этилиши назарда тутилади. Бу каби ёндашувлар С.В.Белова томонидан илгари сурилади, унинг назарида бугунги кунда, ўқитувчининг бажарадиган ишларининг бир қисми АКТ олгани, бу эса, ўқитувчи фаолиятини, имкониятини янги босқичга олиб чиққани билан ижобий баҳолайди. Шунингдек, профессор М.Хакимованинг “Таълим тизимига технологик ёндашув” номли монографиясида таълим жараёнида технологик ёндашувнинг ўзига хос босқичлари келтирилган. Умуман олганда, технология одатий ҳол эмас, замонавий илмий-амалий тафаккур усули – деб хулоса қилиш мумкин. Технология бу – предметли соҳанинг объектив қонуниятларини юқори ўлчовда акс эттирилган ва шу боисдан, муайян шароит учун натижаларнинг ўрнатилган мақсадларга мос келишини таъминлайдиган фаолиятдир. Технология (жараён сифатида) учта белги билан таснифланади. Жараёни ўзаро босқичларига тақсимлаш, изланаётган натижа (ўрнатилган мақсад)га эришишга қаратилган ҳаракатларни мувофиқли ва босқичли бажариш.

Педагогик технологиялар синф-дарс тизимини турли йўналишларда такомиллаштирган ҳолда, ўқитувчи-талаба фаолиятини “субъект-субъект” муносабатлари қонуниятлари асосида ташкил этишни ифодалайди, яъни бу ўринда, ҳамкорлик педагогикаси таълим-тарбия мазмунини инновацион ёндашувлар асосида бойитиб боради. Педагогик жараён технологик ёндашув мазмунида ўз ечимини топади. Бу ўринда, педагог-олим М.Очилов “Агар жамият давлат буюртмасидан таълим тизимининг мақсад вазифаларига, ундан шу ўқув юртининг, ўқув предметининг унинг бўлимлари, мавзулари, айрим ўқув масалаларининг мақсади, вазифасига қараб берилса, ўзига хос мақсадлар тизими ҳосил бўлади,” – деб кўрсатган.

Ўқитувчининг мақсади талаба мақсади билан уйғунлашади. Бу жараён, педагогик технологиянинг самарадорлигини таъминлайди. Бўлажак мутахассис сифатида, шаклланаётган талаба рефлексив кўрсаткичларга эга бўлмаса, унда ўзини ўзи англаш қобилияти биринчи босқичдан эътиборан педагогик талаблар даражасида шаклланмаган бўлса, бундай шароитда қандай қилиб келажак авлодни тарбиялайдиган ўқитувчи етишиб чиқади? – деган оғриқли савол

ечими кўплаб муаммоли вазиятлар билан боғланиб кетади. Шунга мувофиқ, билиш жараёнининг кўрсаткичлари асосида муаммоли вазиятларни тўрт босқичга бўлиб ўргандик.

Биринчи босқич – талаба ўзининг билиш вазифалари нималардан иборат эканлигини тушуниб етмайди. Бунда сезги, идрок, тафаккур жараёнлари фаол иштирок этмайди. Натижада, талаба янги ахборотларни қабул қилишга нисбатан бефарқ қарайди.

Иккинчи босқич – ўқув жараёнига оид дидактик материалларни кўради, эштади, ёзади, аммо гапириб беришда қийналади.

Учинчи босқич – ўқув материални тушуниб, англаб кўллаш учун кўп вақт сарфлайди. Хотирада қолиши қийин кечиби, яъни билимлар тезда унутилади.

Тўртинчи босқич – “ўзлаштириб олинган билимлар” кўплаб такрорлаш, машқ қилиш, ёдлаш, зўриқиш эвазига эслаб қолинади. Ҳис-туйғусиз қабул қилинган материаллар ўз самарасини бермайди. Чунки талаба уни амалиётга татбиқ эта олмайди.

Таъкидловчи тажриба-синовга оид маълумотларимиз бугунги кун педагогикасида, педагогик таҳлилнинг ўрни, мавқеи тўлақонли аниқланмаганлигини кўрсатди. “Таҳлил”, “Ташҳис” ўз эътирофига эга бўлмаганлиги боис таълим-тарбия жараёни ва унинг ечимларига аниқ баҳо беришда кўплаб хатоликлар кузатилмоқда. Холислик, эътироф ёки тан олишда субъективликка йўл қўйилмоқда. Бир гап билан айтганда “таҳлил” ва “ташҳис” педагогик муаммо бўлса-да алоҳида тадқиқот объекти кўринишида ўрганилган эмас.

“Математик таҳлил”, “Бадий таҳлил”, “Генетик таҳлил”лар алоҳида фан даражасида ўрганилмоқда. Ўзининг предмети, мақсади ва тадқиқот объекти бўйича анча-мунча тажрибаларни кўлга киритган. Аммо “педагогик таҳлил” бугунги кунда, алоҳида кўринишда ўзининг назарий-методологик ва амалий ўрнини топа олган эмас. Унинг таркибий қисми ҳисобланган дарс таҳлилинин илмий изоҳлаш шарт эмас, – деб қарайдиган ёндашувлар ҳам мавжуд. Бу ўқитувчи шахсинин илмдан узоқлашувига, ижодий ишининг моҳиятини англаб етмасликка олиб келади.

Дарс таҳлилининг мақсади – талабанинг касбий педагогик фаолиятига бўлган муносабатинин, соҳаси бўйича билим, тажриба, илмий-инновацион ёндашувлар ҳамда маҳорат қирраларинин, меҳнатининг пировард натижаси ўлароқ эришган ютуқ (камчилик)ларинин аниқлаш, тегишли баҳо ва тавсиялар бериш, ижодкорлик ҳамда бунёдкорлик тажрибаларинин ўрганиш, таҳлил қилиш ва оммалаштиришдан иборат.

Шу ўринда, дарс таҳлилининг биз томонимиздан, педагогик таърифинин ҳам бериб ўтишни лозим деб топдик:

Аниқ мақсад асосида, кузатувчи, педагог, услубчи томонидан маълум дарс тури (типи) тузилмасинин айрим таркибий қисмларга ажратган ҳолда, унга хос хусусиятларни ўрганиш, муносабат билдириш ҳамда илмий-методик талабларга мувофиқ тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш асосида педагогик фаолият нуфузинин оширишга қаратилган илмий-ижодий фаолиятга дарс таҳлилин дейилади.

Диссертациянинг “Технологик ёндашувга асосланган дарс таҳлили ва унинг педагогик шарт-шароитлари” деб номланган иккинчи бобида технологик ёндашувга асосланган дарс таҳлилининг бугунги кундаги замонавий дарслар олдида қўйилган педагогик талаблар мавжуд имкониятлари қонуният ва принциплари ёритилган. Шунга мувофиқ, тадқиқотга оид изланишларимиз мобайнида дарсни кузатувчи ўқитувчиларнинг 87 % деярли дарс жараёнига яхлит тизим сифатида қараш ўрнига унинг ташқи жиҳатларига баҳо беришлари аниқланди.

1-жадвал

**Илмий-дидактик муаммолар тизими**


т/р	Илмий дидактик муаммолар	(% ) ҳисобида					
		Мактабда			Олий таълим муассасасида		
		1 й.	2 й.	3 й.	1 й.	2 й.	3 й.
1.	Мақсадларни аниқ қўя олмаслик	76	72	70	73	70	67
2.	Ўзлаштириш даражасига қараб назорат топшириқлари беролмаслиги	83	80	79	81	78	76
3.	Ўқитувчининг ўзи ўз фаолиятини педагогик талаблар даражасида таҳлил қила олмаслиги	87	85	83	84	83	80
4.	Ўқитувчида рефлексив хусусиятнинг шаклланмаганлиги	84	81	79	82	80	78
5.	Раҳбар салоҳияти билан боғлиқ муаммолар	80	77	76	78	75	73
6.	Илғор педагогик тажрибаларни татбиқ эта олмаслик	83	80	77	80	78	75
7.	Мактабларда кадрлар кўнимини таъминлаш муаммоси, ёш мутахассисларга эътиборсизлик	78	76	74	77	75	74
8.	Ўқитувчининг дарсга тайёрлиги муаммоси	79	77	75	74	72	70
9.	Ўқитувчининг дарслик билан чекланиб дарс ўтиши	86	84	82	80	78	75
10.	Кўргазмали материаллар танқислиги	78	75	74	76	75	73
11.	Уйга вазифа (мустақил топшириқ) муаммоси	80	77	75	78	76	74
12.	Билиш жараёни билан боғлиқ муаммолар	78	75	74	75	73	71
13.	Касбий хотиранинг ривож масаласи	84	82	81	80	78	75
14.	Давомат масаласи	66	63	62	54	52	51
15.	Ўзлаштириш масаласи	70	68	66	68	65	61
16.	Дарс жараёнининг боришига ҳалақит бериш масаласи	86	85	85	80	80	79
17.	“Оила-мактаб-маҳалла” ҳамкорлиги муаммоси	88	87	86	85	83	80

Кўриб ўтилган маълумотлар ҳали педагогик таҳлил назарияси ва амалиёти талаб даражасида шаклланмаганини кўрсатди. Бир йилдан уч йилгача стажга эга бўлган ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти ўрганилганда уларнинг 92 %и бир ўқув йили, 88 %и икки ўқув йили ва 86 %и уч ўқув йили давомида ишлаган бўлишига қарамай, дарс таҳлилига жалб этилмагани аниқланди. Дарсларни педагогик талаблар даражасида тўлақонли таҳлил қила оладиган 180 нафар ўқитувчининг 3%инигина ташкил этди. Бу кўрсаткичлар дарс таҳлилига бўлган ёндашувнинг нақадар ночор ва суст эканини кўрсатди.

Инновацион-креатив ёндашувга асосланган дарс жараёнида асосий мезон ўқитувчининг билимдонлиги (1-босқич – 87%; 2-босқич – 94%), инсонпарварлик (1-босқич – 90%; 2-босқич – 87%); ўз касбини севиш (1-босқич – 93%; иккинчи босқич – 47 %) ва ҳ.к.

Диссертация ишининг шаклланивчи тажриба-синов ишлари юзасидан олиб борган кузатувларимиз, дарс таҳлилининг ўзига хос кўникма ва малакалари, олдига қўйилган методологик ҳамда методик талаблари бўлишлигини кўрсатди.

Педагогик таҳлил амалиёти шуни кўрсатадики, битта дарсни турли кузатувчилар ўзининг компетенциявий ёндашувига мувофиқ турлича баҳолашади. Дарс таҳлилининг моҳияти юқорида кўриб ўтилган методологик ҳамда методик талабларига мувофиқ илм асосида билим бериш принципи қай даражада ўз ечимини топаётганлигини ўрганишга қаратилган бўлади. Шунинг учун “... бирор фан томонидан қўлланиладиган тамойил ва усуллар шу фаннинг талабига қанчалик кўп мос келса, ушбу фан предмети моҳиятининг муҳим, объектив ва ўзига хос жиҳатларини шунчалик тўла кўрсатади ҳамда бу соҳадаги изланишлар ўшанчалик илмийликка эга бўлади. Илмийликнинг асосий, моҳиятан ягона белгиси фан предметига мос келадиган қоида ва қонуниятларни тайин эта олишдан иборатдир”. “Дарс” сўзи ортида қанчалик ўқитувчининг изланишлари, машаққатли меҳнати ётишини билиш лозим. Талабанинг келажак тақдири самарали (ёки самарасиз) дарс жараёнида кўзга кўринади. Дарсни муқаддас билиб, ҳар бир ижодий дарсни бир асарга қиёслаб, ўз вазифасини виждонан, масъулият ила бажарадиган устозлар меҳнати, албатта, эътибордан четда қолмаслиги керак. Бу жараёнда ўқитувчи фаолиятини оптималлаштириш учун илмий-ижодий асосланган дарс таҳлилининг ўрганиш ҳамда тегишли тавсифлар ишлаб чиқиш орқали олдиндан белгиланган аниқ мақсадга эришиш кафолатини қўлга киритиш, технологик ёндашув технологиясининг мазмун-моҳиятини ифодалайди. Инсонпарварликка асосланган технологик ёндашув технологияси ижтимоий буюртманинг негизини ташкил этади. Илмий нуқтаи-назардан ижтимоий фаоллик талабанинг меҳнати маҳсулига айланиши ва ундан талаба қониқиш, завқ олиши лозим. Бу жараён динамикаси ижтимоий фаолликни эҳтиёжга айлантиради. Натижада, касб ахлоқига хос маданият шаклланади. Талабага нафақат бўлажак мутахассис, балки бетакрор шахс сифатида қараш имкони яратилади.



1-расм. Технологик ёндашувга асосланган дарс таҳлиlining модели

Ушбу моделда таълим мақсадга йўналтирилганлик принципига мувофиқ талабани ҳамда ўқитувчининг билимдонлиги асосий мезон вазифасини ўтаганлиги кўриниб турибди.

Диссертациянинг учинчи боби “**Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш**” деб номланиб, бўлажак ўқитувчиларда технологик ёндашув асосида дарсни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган педагогик ўқув ва амалиёт жараёнида (360 нафар талаба иштирок этди). Тажриба-синов ишлари уч босқичда амалга оширилди. Биринчи босқич-таъкидловчи тажриба-синов ишлари (2017-2018йй)да муаммонинг мавжуд ҳолати, назарий асослари таҳлил этилди. Иккинчи-шакллантирувчи тажриба-синов босқичида (2018-2019 йй) тадқиқот ишининг методикаси ишлаб чиқилди, ишлаб чиқилган методикага асосан, тадқиқот иши амалга оширилди (500 яқин дарс очиқ дарслар таҳлил қилинди 360 нафар талабалар иштирок этди), технологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда дарс таҳлил этиш кўникмаларини шакллантириш механизмлари такомиллаштириш асосида педагогик имкониятлари ва омиллари аниқланди. Учунчи якунловчи тажриба-синов босқичида (2019-2020 йй. ГулДУ, ҚДПУ, НДПУ педагогика факультетининг 360 нафар талабалар иштирок этди) олинган маълумотлар математик статистика методи ёрдамида таҳлил этилди; натижалар умумлаштирилиб, самарадорлик кўрсаткичлари аниқланди, тадқиқот иши юзасидан умумий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

## 2-жадвал

Талабаларни дарсларни таҳлил этиш қобилиятини аниқлааш буйича олинган натижаларга кўра ҳисоб жадвали

Гуруҳлар		Тажриба бошида		Тажриба якунида	
		Тажриба гуруҳи (180 нафар)	Назорат гуруҳи (180 нафар)	Тажриба гуруҳи (180 нафар)	Назорат гуруҳи (180 нафар)
Қизиқиш нинг ўсиш даражаси	Аъло 5	21	20	45	20
	Яхши 4	27	29	86	33
	Ўрта 3	132	131	49	126
Ўртача қиймат		3,38	3,38	3,98	3,41
Самарадорлик		1,00		1,17	
Хи квадрат		0,08		67,39	
Критик қиймат		5,99		5,99	
Танланма дисперсия		0,47	0,45	0,52	0,47
Стандарт хатолик		0,68	0,67	0,72	0,68
Ишонч интервали		3,09	3,08	3,77	3,11
		3,68	3,68	4,19	3,71
вариация кўрсаткичи		1,50%	1,49%	1,35%	1,49%
Хулоса		$\chi^2_{\text{тажр}} > \chi^2_{\text{кр}}$ ва $V_{t,s} < V_{n,g}$ шартлар бажарилмагани учун $H_0$ гипотеза қабул қилинади		$\chi^2_{\text{тажр}} > \chi^2_{\text{кр}}$ ва $V_{t,s} < V_{n,g}$ шартлар бажарилгани учун $H_1$ гипотеза қабул қилинади	



Маълумки, педагогик тадқиқот ишларини статистик таҳлил қилиш жараёнида у ёки бу фараз (гипотеза)ни текшириш учун кузатишлар ёки махсус тажрибалар ўтказиш йўли билан аниқ маълумотлар олинади ва ушбу фаразга мувофиқ, назарий жиҳатдан кутилаётган маълумотлар билан таққослаб кўрилади. Агар олинган маълумотлар назарий жиҳатдан кутилаётган маълумотлар билан ҳақиқатан ҳам мос келса, у вақтда бу факт ўша фаразни қабул қилиш, унинг тўғрилигини тан олиш учун етарли асос бўлиши мумкин. Агар маълумотлар назарий жиҳатдан кутилаётган маълумотларга етарлича тўғри келмаса, у вақтда олинган (қилинган) фаразнинг тўғрилигига шубҳа туғилиши мумкин. Статистик қийматлар бўйича тажриба бошида олинган натижалар хар иккала гуруҳда деярли бир хил бўлиб, уларнинг натижалари орасида фарқ йўқлиги аниқланган бўлса, тажриба якунидаги натижаларга кўра,  $\chi^2_{\text{тажр}} > \chi^2_{\text{кр}}$  ва  $V_{t,s} < V_{n,g}$  шартларнинг бажарилгани учун  $H_1$  гипотеза қабул қилиниб, тажриба-синов ўтказилгандан сўнг талабаларнинг ўзлаштириш даражаларида ўзгариш бўлганлиги ҳамда талабалар ва ёш мутахассисларнинг дарсларни объектив таҳлил қилиш даражаларининг самарадорлиги ўртача 1.16 баробарга ошгани статистик формулалар орқали исботланди. Талабаларнинг дарсларни таҳлил қилиш қобилиятини аниқлаш бўйича олинган натижаларга кўра ҳисоб жадвалини қуйида келтирамыз:



**2-расм.** Талабаларнинг аниқланган кўрсаткичлар бўйича ўртача ўзлаштириш қийматлари диаграммаси



**3-расм.** Талабаларнинг аниқланган кўрсаткичлар бўйича самарадорлик диаграммаси

Жадвалдаги статистик қийматлар бўйича тажриба бошида олинган натижалар ҳар иккала гуруҳда деярли бир хил бўлиб, уларнинг натижалари орасида фарқ йўқлиги аниқланган бўлса, тажриба якунидаги натижаларга кўра,  $\chi^2_{\text{тажр}} > \chi^2_{\text{кр}}$  ва  $V_{t.s} < V_{n.g}$  шартлар бажарилгани учун  $H_1$  гипотеза қабул қилиниб, тажриба-синов ўтказилгандан сўнг талабаларнинг ўзлаштириш даражаларида ўзгариш бўлганлиги ва талабаларнинг дарсларни таҳлил қилиш қобилияти самарадорлиги 1.17 баробарга ошгани статистик формулалар орқали исботланди.

Юқоридаги математик-статистик методлар ёрдамида ҳисоблаш натижалари шундан далолат беради-ки, тадқиқотнинг амалий натижалари бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор эканлиги ва тадқиқот ишимизда қўйилган мақсадимиз тасдиқланганлигини кўрсатади.

## ХУЛОСА

1. Технологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда дарсни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантиришда таҳлил ўзини англаш, билиш имконияти, унинг йўл-йўриқларини фан даражасида ўрганиш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб вазифадир. Айниқса, бугун педагогик таҳлил амалиётида, технологик ёндашув асосида дарсни таҳлил қилиш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар етишмаслиги тизимини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

2. Технологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни таҳлилий компетенциясини шакллантиришнинг дидактик имкониятлари дарснинг мақсади ва кутиладиган натижасини аниқлаштириш технологиясини идентив ўқув мақсадларини белгилашда, дарснинг босқичларини тизимли лойиҳалаш орқали рефлексив маданиятни таркиб топтириш жараёнларини ҳисобга олиш асосида кенгайтирилди; илк бор бўлажак ўқитувчида дарсни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантиришда “технологик ёндашув механизмлари” тушунчасининг мазмун-моҳияти ҳамда вазифалари илмий-амалий нуқтаи-назардан очиқ берилган.

3. Технологик ёндашув асосида дарсни таҳлил қилиш моделининг амалий компоненти талабаларни илмий-методологик, дидактик, психологик, методик тайёргарлигини ривожлантиришга доир технологик ёндашув асосида ўқув ва малакавий педагогик амалиёт жараёнларига тизимлаштирилди. Бунда, дарс таҳлилининг ўзига хос билим, кўникма ва малакалари олдида қўйилган методологик ҳамда методик талаблар мавжудлиги аниқланган.

4. Бўлажак ўқитувчиларда дарсни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантиришнинг ташкилий-технологик механизмлари устоз-шоғирд аъёнларига асосланган эдвайзерлик фаолиятини талабаларнинг индивидуал таълим траекториясини лойиҳалаш жараёнларига жорий этиш имкониятини кенгайтириш асосида такомиллаштириш кераклиги асосланган.

5. Технологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда дарсни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантиришга доир танлов фан ва бир нечта модулар кетма-кетлигида ишлаб чиқилган.

6. Тадқиқот юзасидан амалга оширилган тажриба-синов ишларини баҳолаш мезонлари технологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда дарсни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантиришга доир педагогик тафаккур ва прогнозлаштиришни ўзига хос хусусиятларини фазилат даражасигача ўсиб боришига доир илмий маълумотлар асосида: педагогик таҳлил, аниқлик, шаффофлик, ҳолислик, илмийлик, ишончлилик, инсонпарварлик, касб масъулиятини ҳис этиш ва ижодкорлик фазилатлари асосида ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган.

7. Илмий-дидактик ёндашувлар асосида бўлажак мутахассисларнинг касбга муносабатини белгилаш ҳамда уларни мактаб таълимига тайёрлашда дарс таҳлили етакчи омил вазифасини ўтайди. Талабалар томонидан берилган жавобларнинг илмий таҳлиliga кўра, ўқитувчининг 200 га яқин ижобий, 50 га яқин салбий хусусиятлари борлиги тизимли равишда асослаб кўрсатилган.

8. Бўлажак ўқитувчиларнинг дарсни таҳлил қилиш ва педагогик туркум фанларга қизиқишини ўсиш динамикаси тажриба-синов давомида назорат ва тажриба гуруҳларда тафовут бўлганлиги аниқланган. Бўлажак ўқитувчилар ва ёш мутахассисларнинг дарсларни таҳлил қилиш даражаларини 1,16 баробар ошгани, шунингдек, талабаларни дарсни таҳлил қилиш қобилиятлари 1,17 баробар ўсгани аниқланди. Технологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни педагогик амалиётини ташкил этиш механизмлари тўғри йўлга қўйилса, таълим сифати ва самарадорлиги 12-13 фоизга ошиши ва ўқув-тарбия жараёнида кафолатли натижани қўлга киритишга олиб келиши далилланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ГУЛИСТАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**САМАТОВА ДИЛЬРАБО ЮСУФОВНА**

**МЕХАНИЗМЫ ФОРМИРОВАНИЯ НАВЫКОВ АНАЛИЗА УРОКА У  
БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ НА ОСНОВЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО  
ПОДХОДА.**

**13.00.01- Теория педагогики. История педагогических учений**

**АВТОРЕФЕРАТ**

**диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Ташкент - 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2020.4.PhD/Ped567.

Диссертация выполнена в Гулистанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице Научного совета по адресу ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:**

**Абдукаримов Хабибулло**  
кандидат педагогических наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Хакимова Муҳаббат Файзиевна**  
доктор педагогических наук, профессор

**Джамилова Наргиза Нуритдиновна**  
доктор педагогических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Джизакский государственный педагогический институт**

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете «14» «12» 2021года в 8<sup>20</sup> часов. (Адрес:100185, город Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, 27. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51; e-mail: tdpu\_kengash@edu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за №1444). Адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом 27. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51.

Автореферат диссертации разослан «2» 12 2021года  
(протокол рассылки № 36 от 2 декабрь 2021 года)



**Б.С.Абдуллаева**  
Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

**Р.Г.Исянов**  
Секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.п.н., доцент

**Н.А.Муслимов**  
Председатель Научного семинара при  
научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.п.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировой образовательной системе в образовательный процесс внедрены технологии образования инновационно-креативной среды, основанной на технологическом подходе, развития аналитической и прогностической компетентности у будущих учителей, формирования навыков анализа уроков на основе рефлексивного подхода. Ведутся практические работы по организации интерактивных занятий у будущих учителей, развитию специально-методической компетентности, структурированию учебных материалов у студентов педагогических вузов, подготовке к проектированию учебного процесса, совершенствованию внедрения цифровых технологий в учебный процесс, развитию самостоятельных навыков у будущих учителей.

В мире на основе технологического подхода ведутся научные исследования по совершенствованию профессионально-педагогической деятельности будущих учителей, интенсивному проектированию процессов применения интерактивных технологий обучения на уроках и внеклассных занятиях. Также ведутся научные исследования по подготовке будущих учителей к проектированию и планированию процесса урока, развитию информационно-аналитической компетентности, расширению дидактических возможностей технологического подхода, развитию навыков анализа урока у будущих учителей.

В последние годы в нашей республике создаются нормативные основы разработки модели и механизмов повышения качества высшего образования, совершенствования профессионально-педагогической подготовки, анализа урока будущих учителей, внедрения кредитно-модульной системы в образовательный процесс. Были определены такие задачи, как "Дальнейшее совершенствование системы непрерывного образования, повышение возможностей предоставления качественных образовательных услуг, подготовка высококвалифицированных кадров, соответствующих современным потребностям рынка труда, внедрение международных стандартов оценки качества образования и обучения". А это, расширяет дидактические особенности формирования навыков анализа урока у будущих учителей на основе технологического подхода, условия совершенствования организационной модели и механизмов реализации процесса установления.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для реализации задач, обозначенных в Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и от 8 октября 2019 года №УП-5847 «Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года», и в постановлениях Президента Республики Узбекистан от 5 июня 2018 года №ПП-3775 «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах», от 20 апреля 2017

года №ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления науки и технологий республики I. «Пути формирования и реализации системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-образовательном развитии информатизированного общества и демократического государства».

**Степень изученности проблемы.** В научных работах ученых нашей Республики Х.Абдукаримова, Н.Азизходжаева, А.Акрамова, У.Бегимкулова, Б.Джураевой, А.Джумаева, Р.Джураева, Б.Зиёмухаммедова, Х.Ибрагимова, Ш.Мардонова, Н.Муслимова, В.Маъмурова, Ш.Алимова, М.Очилова, Р.Сафаровой, Н.Саидахмедова, О.Толипова, А.Халикова, М.Хакимовой, О.Хайдаровой, Ш.Шарипова, Т.Т.Шаймарданова, Ф.Р.Юзликаева были исследованы концептуальные основы применения технологического подхода к образовательным процессам, совершенствование дидактической подготовки будущих учителей, электронно-адаптивная система управления образовательными процессами.

Учеными стран Содружества Независимых Государств (СНГ) Ю.Бабанским, Б.Белоксиним, Е.Бондаревской, В.Давыдовым, Е.Евдокимовой, В.Иохидовым, И.Исаевым, Е.Крюковой, Т.Лавриковой, Б.Лихачевым, С.Меркуловой, В.Монаховым, Р.Немовым, И.Подласым, В.Сериковым, В.Сластениным, А.Талызиной, Г.Трофимовым были освещены методические аспекты осуществления анализа урока, оптимизация и интенсификация образовательных процессов на основе технологического подхода, дидактические основы формирования интереса учащихся к познанию в процессе урока.

Зарубежными учеными К.Allen, B.Fridman, H.Vaert, S.Bellaza, S.Brown, D.Buff, Intan Sepia Latifa были изучены вопросы развития аналитической компетентности, рефлексивных навыков и прогностических способностей будущих учителей.

